**Хизмат курсатиш Шартномаси № 478**

Пахтачи туман» 14 декабр 2022 йил

«Феруз -Хуршид сандал МЧЖ » кейинги ўринларда Сотувчи деб юритиладиган. Ўзи тўғрисидаги устав асосида иш юритувчи корхона номидан рахбари Ф.Хусанов бир томондан, Мактабгача таълим бўлими, кейинги ўринларда, Сотиб олувчи деб юритилади. Ўзи низоми асосида иш юритувчи ташкилот номидан, мудири в.в.б. Ш.Кодирова иккинчи томондан мазкур шартномани, қуйидаги хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Сотувчи» ўзига тегишли бўлган товарни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товарни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товарнинг номи, микдори, сифати ва нархи, мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлган жадвалга мувофиқ аниқланади.

| № | Махсулотлар номи | Ўлч. бир. | микдори | Нархи | Суммаси 15 % НДС билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Котёл водогрейный урнатиш ишлари | дона | 2 | 9 230 000 | 18 460 000 |
| | Жами | | | | 18 460 000 |

Ушбу шартноманинг умумий суммаси 15%НДС билан 18 460 000 (Ун саккиз миллион турт юз олтмиш минг ) сум ташкил этади

2.1.Сотиб олинадиган товар учун олдиндан тўлов микдори _30_%ни ташкил этади.

2.2.Тулов шакли накд пулсиз пул кўчириш йули билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1 Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товарни шартнома талабларига жавоб берадиган холатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товарларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тупламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товарни сифатлига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2. бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар махсулотга бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган холда ушбу шартнома ва қонун хужжатларида бегиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3.Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар хақини тўлаш.

## 4.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тўзилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бўзганлак учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилан зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи хар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5% миқдорида, тез бўзиладиган товарлар бўйича эса 10% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад эттанлик учун сотиб олувчи еказиб берувчига танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса- 10 фоиз миқдорида жарима тулайди.

5.4. Товарларни ўтказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий сўммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

**5.5 Етказиб берилган товарлар (ишлар,хизматлар) хақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пения тўлайди**

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар махсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1 Мазкур шартнома 2022 йил 14 декабрдан 2022 йил «31»декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб, томонларнинг хар бирида бир нусхадан сақланади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги холларда бекор қилиниши мумкин:

-томонларнинг келишувига мувофиқ

-Форс-Мажор холатларида

**7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ**

7.1. Ушбу шартноманинг хар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал килишини кафолатлайди.

7.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

**8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ**

7.1.Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р Фукаролик кодексига ва хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2.Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р.

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокара йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида хал қилинади.

**9. ФОРС - МАЖОР.**

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулодда муайян шароитда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиб-бузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

**10. БОШКА ШАРТЛАР.**

9.1.Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши, хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9.1.1. Мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилган МТТларнинг барчасига етказиб бериш шарти билан.

9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши

9.3 Юқорида кўрсатилган махсулотларни тумандаги барча МТТларга еткизиб бериш шарти билан

**ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ**

Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланиб, Пахтачи тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

**11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.**

| «СОТУВЧИ» | «СОТИБ ОЛУВЧИ» |
|---|---|
| Номи «Феруз -Хуршид сандал МЧЖ » | Номи: Мактабгача таьлим бўлими |
| манзил: Навоий вилояти Навоий ш | манзил: Истиклол махалласи |
| Тел/факс:33 226 01 10 | Тел/факс: |
| Х/р 20208000105213433001 | Шх/в: 100022860182307098602251001 |
| **Банк номи:** Хамкор банк АТ | **Банк номи: Марказий банк Тошкент ш** |
| **МФО:** 00083 | **МФО: 00014** |
| **Стир** 307334805 | **ИНН 207267020** |
| | **ОКОНХ: 92400** |
| Рахбар: Хусанов Ф | Мудири в.в.б: Ш.Кодирова |

O'ZB.RES.NAVOIY VILOYATI NAVOIY SHAHAR MChJ FEROZ XURSHID SANDAL

| | |
|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.<br>Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. |
| Imzolovchi F.I.SH. | SHAXNOZA QODIROVA MAMADIYOROVNA |
| Imzolangan sana | 12.12.2022 16:29 |
| Hujjat kodi | **LE6018770236** |
| Hulosa kodi | **DF2170770765** |

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

DF2170770765

**1.** Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **Feruz-xurshid sandal MChJ**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: "PAXTACHI TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" tomonidan 12.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Paxtachi tuman yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**B.R.QAZOQOV**
12.12.2022